

ЁҒ- МОЙ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Жўраева Нодирахон Қурбоновна
ФарДУ, Жаҳон ва минтақа иқтисодиёти
кафедраси мудири.
иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори
тел: +998904070024
эл.почта: nodiraxonnum1@gmail.ru

Аннотация: мақолада ёғ-мой корхоналарида ходимларни бошқаришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади.

Ўзбекистонда ёғ-мой корхоналарини бошқаришнинг рақамли стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга турли ёндашувлар ўрганилиб, муаллифнинг илмий-амалий хулосалари шакллантирилди. Жумладан, корхоналарда ходимларни бошқариш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар фикрлари ўрганилди. “Ходимларни бошқариш” ва “Инсон ресурсларини бошқариш” тушунчаларининг фарқи ҳақидаги турли ёндашувлар ўрганилди ва бунга муаллиф хулосалари шакллантирилди.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, ёғ-мой саноатида ходимни бошқаришни такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Мақоланинг аҳамиятли томони шундан иборатки, унда муаллиф томонидан ёғ-мой саноати корхоналарида ходимни бошқаришнинг такомиллаштирилган механизми ва ёғ-мой саноатида бошқарув раҳбарини комплекс баҳолашнинг такомиллаштирилган услубиёти тақдим этилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ёғ - мой корхоналари, ходимлар, менежмент, технологиялар, инновациялар, иш ҳақи, даромад, фойда, лавозим, таълим.

1. Кириш

Бугунги кунда, жаҳоннинг турли мамлакатларида рақамли иқтисодиётга ўтиш ва шу орқали молиявий технологиялар, блокчейн тизимидан кенг фойдаланилиш, ҳар қандай соҳанинг шаффофлик даражасини ошириб, коррупция ҳолатларининг камайишига хизмат қилмоқда.

Республикамизда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили [3] деб эълон қилинди ва шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш, шу асосда “Рақамли Ўзбекистон- 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. [1]

Бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг 28 апрель санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон Қарори қабул қилинди. [2]

Мазкур Қарор билан, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги ягона ваколатли орган этиб белгиланган, ҳамда Вазирлик қошида “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ҳамда “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасалари ташкил қилиниши асносида рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг кўшимча вазифалари белгиланди.

Мазкур қарорга кўра, 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпиички маҳсулотигади улуши 2 бараварга кўпайтирилади.

Қарорда 2020 — 2022 йилларда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати ҳам эълон қилинган.

Унда, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида шлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳисобининг ягона ахборот базасини жорий қилиш., ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш бўйича мавжуд ахборот тизимини оптималлаштириш ҳамда CRM-тизимини такомиллаштириш, лойиҳаларни бошқариш ва ходимлар КРІ даражасини баҳолаш бўйича ахборот тизимини жорий этиш, ходимлар билан ишлаш босқичларини тўлиқ функционал кузатиш учун ходимларни бошқаришнинг ягона тизими (ХР)ни жорий қилиш масалалари бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган.

Бу эса, ўз навбатида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ёғ- мой корхоналари ходимини бошқаришга янгича инновацион ёндашувни талаб этади.

II. Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Бугунги кунда ёғ-мой саноати корхоналарининг самарали фаолият кўрсататиши инновацион стратегиялар, янги маҳсулот турлари, ташкилий тузилмалар яратиш билан инсон ресурсларини бошқаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки корхонада меҳнат салоҳиятини ривожлантириш услублари ўртасидаги мавжуд узилишлар каби муаммоларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан ходимни бошқариш хизматида таъсир кўрсатади.

Айнан мутахассис-ходимлар корхонадаги ишлаб чиқаришни бошқариб, уларнинг жорий ва истиқболдаги режалаштиришини амалга оширадидлар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини самарали фойдаланишга киритадилар. Шунинг учун, кадрларнинг касбий малакаси қанчалик юқори бўлса, корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади.

Ёғ-мой саноати корхоналарида ҳам ходимни бошқариш жараёни иш режасини ишлаб чиқиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уларни бирлаштириш, иш жараёнларга раҳбарлик қилиш, корхонанинг алоҳида бўлинмаларива ходимлари ишини мувофиқлаштириш, иш жараёнини назорат қилиш ва бошқалардан иборат бўлиши зарур.

Юқоридаги мулоҳазалар мамлакатимиз ёғ-мой саноати корхоналари ходимида ҳам тегишлидир. Фикримизча, инсон ресурсларидан корхона ва ходим манфаатларини мувофиқлаштирган ҳолда фойдаланишни таъминлайдиган, шахсни ривожлантириш устуворлигини эътироф этиш ходимни бошқаришнинг энг асосий тамойили сифатида қаралиши керак.

Ходимни бошқаришнинг кўплаб таърифлари мавжуд. Масалан, немис олимлари С.Марра ва Г.Шмитдларнинг фикрича, ходимни бошқариш барча корхоналарга хос бўлган фаолият соҳаси бўлиб, унинг асосий вазифаси корxonани ходимлар билан таъминлаш ваулардан мақсадли фойдаланишдан иборат [4].

Америкалик олим Р. Дафт ходимни бошқаришда асосий эътиборни корхонадаги инсон ресурслари сифати ҳақида ғамхўрликка қаратади. У ходимни бошқариш – бу ишчи кучини жалб этиш, тайёрлаш ва самарадорлигини сақлаш бўйича фаолиятдир деб ҳисоблайди [5].

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Қ.Ҳ.Абдурахмонов ва бошқалар ходимни бошқариш алоҳида ходим ва умуман корхона манфаатларини таъминлаш мақсадида инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, психологик, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимидир деб таъкидлайдилар.

“Ходимни бошқариш” ва “Инсон ресурсларини бошқариш” тушунчаларини фарқлашга уринган америкалик олим М.Армстронгнинг қарашлари эътиборга лойиқ бўлиб, унинг фикрича, қуйидаги учта асосий фарқни ажратиш кўрсатиш мумкин [6]:

1) ходимни бошқариш – ходимларга қаратилган фаолият тури бўлса, инсон ресурсларини бошқариш кўпроқ раҳбарларга қаратилган;

2) ходимни бошқариш – ходимни бошқариш хизматининг фаолияти, инсон ресурсларини бошқариш эса ходимни бошқариш хизмати ва корхона раҳбарларининг ҳамкорликдаги ишидир;

3) ходимни бошқариш утилитар тавсифга эга, яъни аниқ амалий вазифаларни ечишга қаратилган. Инсон ресурсларини бошқариш эса стратегик йўналишга эга ва корxonанинг узоқ муддатли ривожланишига қаратилган [6].

Аммо олим ходимни бошқариш ва инсон ресурсларини бошқариш ўртасида чуқур илмий фарқ йўқ, бу кўпроқ амалий қўллашдаги фарқ билан мустаҳкамланган иборавий ранг-барангликнинг натижаси бўлиши керак деб ҳисоблайди.

Биз келтирилган барча фикрларни жамлаган ҳолда, “ходимни бошқариш” тушунчасига қуйидаги таърифни шакллантирдик, яъни “ходимни бошқариш корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ходимдан корxonанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш йўлида самарали фойдаланиш назарда тутилиб амалга ошириладиган амалий фаолият туридир”.

III. Тадқиқот методологияси

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, ёғ-мой саноатида ходимни бошқаришни такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда

маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндошувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

IV. Таҳлил ва натижалар

Жаҳон тажрибаси рақамли технологияларни барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш орқали жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганини кўрсатмоқда.

Бугун ривожланишнинг инновацион моделлари ва «рақамли»(ақлли) технологиялар амалиётга жорий этилаётган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Глобаллашув ва байналмилаллашув тенденциялари нафақат товар, молиявий, технологик ва ресурслар бозорларига, балки ходимни бошқариш тизимларига ва ходимларнинг рақобатдошлигига ҳам таъсир қилмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши автоматизация жараёнлари инсон ресурсларини бошқаришда муҳим рол ўйнайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.[3]

Рақамли технологияларнинг нақадар муҳимлигини бугунги кунда республикамизда COVID-19 Коронавирус пандемияси билан боғлиқ шароит ҳам яна бир бор исботлади. Республикамизда карантин талабларининг жорий қилиниши, таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатиш, саноатнинг ҳаммаси рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлигини яққол кўрсатди. Йиллардавомида масофадан кўрсатилмаган хизматлар санокли кунларда онлайн шаклга ўтказилди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади. Келгуси беш йилда саноат корхоналарида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига таннархни ўртача 13-15 фоизга пасайтириш мумкин.

Президентимиз вазирлик ва идораларда ахборот технологияларини қўллаш даражасига қараб ундаги раҳбарларнинг ойлик мукофот пулини ошириш ёки камайтириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Бу ўз навбатида ходимни бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш, ёғ -мой саноати корхоналарида ходимни бошқаришда ходимларнинг «рақамли компетенция»сини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилишини тақозо этади.

Фикримизча, "рақамли компетенция"ни (ходимнинг лавозимида мувофиқлиги) ходимнинг ўз билими, тажрибаси, кўникмаси, шахсий

фазилатлари ва хулқ-атвор хусусиятларидан рақамли технологияларни қўллашда хавфсиз, ҳамда самарали фойдаланиш қобилияти сифатида қаралиши лозим.

Рақамли компетенция маълумот излаш, ахборотни танқидий идрок этиш, рақамли қурилмалардан фойдаланиш, рақамли қурилмаларни синхронлаштириш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, онлайн харид қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бу ўз навбатида ходимдан максимал ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, битта манбадан олинган маълумотларни турли манбалар орқали ишончилигини текшириш, амалий ва қимматли маълумотларни таҳлил қилишга, билими, иштиёқи ва лаёқати бўлишлигини талаб этади.


Республикамизда Ўзбекистон Республикаси пахта ва ёғ-мой саноатини 2016- 2020 йиллар даврида ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилган ва унда куйидагиустивор вазифалар белгиланган:

ёғ-мой саноати корхоналарини модернизациялаш ва қайта техник жиҳозлаш, пахта маҳсулотлари, пахта ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сифатини оширишни таъминлайдиган замонавий самарали технологияларни ва илмий ишланмаларни жорий этиш;

пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, сақлаш ва маҳсулотларни жаҳон стандартларига риоя қилган ҳолда экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш ва автоматлаштириш; ишлаб чиқариш барқарор ҳажмларини сақлаш, ёғ-мой маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, унинг рақобатбардошлигини ташқи ва ички бозорларда оширилиши, соҳанинг экспорт салоҳиятини кескин ўсишини таъминлаш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини камайтириш ва ишлаб чиқаришдан ҳоли харажатларни оптималлаштириш;

соҳада янги иш жойларини яратиш, хавфсиз экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек пахта соҳаси ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш [8].

Юқорида келтирилган вазифалар, корхонада ходимни бошқариш самарадорлигини ошириш учун соғлом ва меҳнат қобилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш, кадрларнинг жинси ва ёшига кўра таркиби ва малакаси ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштирилишини ҳисобга олишдан ташқари, ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларининг ўзгариб боришига ўз вақтида эътибор қаратиши, фан ва техниканинг янги, илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантиришга қаратилган механизмни ишлаб чиқишни ва амалиётга жорий этишни талаб этади (1- расм).



2-расм. Ёғ-мой саноатида бошқарув раҳбарини комплекс баҳолашнинг такомиллаштирилган услубиёти

Корхона раҳбар ва мутахассислари иш натижаларини баҳолашда уларнинг эгаллаб турган лавозимлари ва бажараётган вазифалари ўзаро боғлиқ бўлиб, баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб хизмат қилади.

V.Хулоса ва таклифлар

1. Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ёғ-мой саноатикорхоналарида олиб борилаётган модернизациялаш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб мавжуд ходимни бошқариш тизимини изчил янгилашни талаб этмоқда. Ходимни бошқаришнинг барча даражаларининг таркиби ва моҳиятини тубдан такомиллаштириш иқтисодий тизимни ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб, ходимни бошқариш ҳисобланади. Шу сабабли ходим корхонанинг асосий ресурси, бутун ташкилотнинг муваффақиятини белгиловчи асосий омил сифатида кўрилмоқда.

2. Ёғ-мой саноати корхоналарининг умумий иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, тўлов қобилиятини ўрганиш натижалари мазкур корхоналарда бошқарувни инновацион такомиллаштириш ва уни молиявий маблағлар билан

таъминлашнинг ички манбалари йилдан-йилга камайиб бораётганини кўрсатиб бермоқда.

Аммо ёғ-мой саноати корхоналарининг бозордаги мавқеи ва барқарор истеъмолчилар сегментига эга эканини ҳамда йилдан-йилга тўла қувват билан ишлаш имконияти мавжудлигини ҳисобга олганда, тармоқнинг инновацион бошқарувини йўлга қўйиш имконияти мавжудлигини асослаб беради. Бу борада, ёғ-мой саноати корхоналаридаги маънан ва жисмонан эскирган асосий восита ва жиҳозлар корхонаникелажакда тўла қувват билан ишлашига монелик қилишини ҳисобга олиб, тармоқни бошқаришда янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этилишини амалга ошириш зарур. Бунинг учун ёғ-мой саноати корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқарувини оқилона ташкил этиш бўйича қатор ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

3. Ўзбекистонда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш асосида ходимни бошқариш тизимини такомиллаштириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу билан бирга, мамлакатнинг айрим корхоналари бу тажрибага мурожаат қилмасдан, одатдагидек эски маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидаги ишчи кучини бошқариш концепциясига хос бўлган, эскириб қолган, ходимни бошқариш усулларида фойдаланмоқда.

Буни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон корхоналари иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда тўпланган ходимни бошқариш тизими соҳасидаги маълум халқаро тажрибаларни ўрганиб, ундан бошқарув амалиётида фойдаланишлари зарур. Ходимни бошқаришнинг замонавий шакллари ва усуллари ўрганиш ҳамда ундан амалиётда фойдаланиш миллий корхоналарга юқори иқтисодий натижаларга эришиш имконини беради.

4. Ёғ-мой саноати корхоналари бошқарув тизимини мукаммаллаштириш соҳасида қуйидаги тенденциялар юзага келмоқда:

бошқарув фаолиятининг мақсадли тавсифини кучайтириш;

бошқарувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш ва бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилаш, жумладан, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига;

ишлаб чиқаришни бошқаришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг юқоринатижаларга эришишга йўналтирилиганлиги;

меҳнат фаолияти ижтимоий шароитларининг яхшиланиши. Бу тенденцияларга асосан корхоналарнинг бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқланиб, уларга аввало сифат кўрсаткичлари асос қилиб олинган; Фикримизча, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ёғ-мой саноати корхоналарида ходимни бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни бозор муносабатлари тамойилларига мос равишда ташкил этиш зарур. Бунинг учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Ёғ-мой саноати корхоналарида ходимлар меҳнатининг ҳар бир жараёни, унинг кўлами ва кетма-кетлиги аниқ пухта ихтисослаштирилиши шартлигини таъминлашга эришиш;

корхонада ҳар бир меҳнат турини қатъий вақт оралиғида тақсимланишини ташкил этиш;

ёғ-мой саноати соҳасида кадрларни тайёрлашга бўлган реал эҳтиёжни ва истиқболли йўналишларни аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш.

Бундан ташқари, ёғ-мой саноати корхоналарининг техник чигитни қайта ишлаш ва пахта ёғи ишлаб чиқариш, ёғ-мой акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлашни такомиллаштириш орқали ҳам корхона рентабеллигини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга эришиш мумкин.

VI. Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Фармони. ПФ-5953-сон 02.03.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ПҚ-4699-сон 28.04.2020 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси № 19 (7521). 2020 йил 25 январь.
4. Марр С., Шмидт Г. Управление ходимом в условиях социальной рыночной экономики. М., 2000. - с. 66.
5. Дафт Р. Л. Менеджмент. СПб., 2000. – с. 134.
6. Армстронг М. Практика управления человеческими ресурсами. - М., 2002. – с.212
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. <https://kitab.uz/prezident-shavkat-mirziyoev-ra%D2%9Bamli-i%D2%9Btisodiyot-va-elektron-%D2%B3ukumatni-keng-zhorij-etish-masalalari-b%D1%9Ejicha-ji%D2%93ilish%D1%9Etkazdi.html>
8. Ўзбекистон Республикаси пахта ва ёғ-мой саноатини 2016-2020 йиллар даврида ривожлантириш Концепцияси. <https://www.beruniypaxta.uz>
9. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастури. <https://strategy.uz/index.php?news=850>
10. Д.Ф.Азларова. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ёғ- мой корхоналари персоналини бошқаришнинг долзарб масалалари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. 2021/9. 110-117-бетлар